



НОГИРОНЛИК ТУШУНЧАСИГА ОИД ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ МУЛОҲАЗАЛАР, ЁНДАШУВЛАР ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Б. Хонтураев

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш
вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот
институтининг “Оила демографик ривожлантриш”
бўлими илмий ходими

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5701117>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 01- Noyabr 2021
Ma'qullandi: 05- Noyabr 2021
Chop etildi: 10- Noyabr 2021

ANNOTATSIYA

*Муаллиф ушбу мақолада ногиронлик тушунчасига оид
илмий-назарий мулоҳазалар, ёндашувлар ва унинг ўзига хос
жиҳатлари ёритиб берилган.*

KALIT SO'ZLAR

ногиронлик, жамият,
соғлиқ, жисмоний,
ақлий, тўсиқлар

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020
йил 24 январдаги Олий Мажлисга
Мурожаатномасида “ногиронлиги
бўлган фуқаролар билан ишлашнинг
алоҳида тизими жорий этилиши,
ногиронликни белгилашнинг жаҳон
андозаларига мос “ижтимоий модели”га
босқичма-босқич ўтилиши, муҳтож
аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва
реабилитация воситалари билан
таъминлаш бўйича янги тизим жорий
этилиши” зарурлиги ҳақида муҳим
вазифалар таъкидланган эди.

Статистик маълумотларга кўра,
Ўзбекистонда 2015 йилда 586,5 минг
киши ногиронлиги бўлган шахсларни
ташkil қилган бўлса, 2020 йилга келиб
718,3 нафар ногиронлиги бўлган

шахслар ташkil қилган бўлиб, 2020 йил
охирига нисбатан ўсиш кўрсаткичи
129,5 минг кишига ёки 1,2 бараварга
кўпайган. Аёллар ногиронлиги бўлган
шахсларнинг 42,5 фоизини ёки 2015
йилда 246,2 минг кишини, 2019 йилда
295,5 минг кишини ташkil қилган.
Кўпчилик ногирон аёллар кундалик
турмушда турли қийинчиликларга дуч
келиб, уларнинг мамлакат сиёсий,
ижтимоий, иқтисодий ва маданий
ҳаётида фаол иштирок этишига салбий
таъсир кўрсатмоқда. Ногиронлиги
бўлган аёллар, умуман, жамоатчилик
учун «кўринмас» бўлиб қолмоқда, бу эса
ногиронларга қаратилган хайрия-
йўналтирилган муносабатларга ва
уларнинг ижтимоий рад этишига олиб
келмоқда¹.

¹ <https://www.stat.uz> маълумотлари асосида
муаллифлар томонидан таҳлил қилинди.



Ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш бўйича мавжуд тизимни таҳлил қилишдан олдин **“ногиронлик”** тушунчасига тўхталиб ўтсак, **Ногиронлик бу** инвалидлик – касаллик, шикастланиш, майиб-мажрухлик, бахтсиз ҳодисалар туфайли бутунлай ёки маълум муддат меҳнат қобилиятини йўқотган шахс тушунилади. Жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги сабабли ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож шахс ногирон ҳисобланади².

Ногиронлик - бу инсоннинг муайян фаолият билан шуғулланиши ёки атрофидаги дунё билан (ижтимоий ёки моддий) самарали мулоқотини қийинлаштирадиган ҳар қандай ҳолат тушунилади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида ногиронликка **“жамиятда бошқалар билан тенг равишда тўлиқ ва самарали иштирок этишига тўсқинлик қилиши мумкин бўлган омиллар: жисмоний, ақлий, интеллектуал ёки ҳиссий бузилишлар ва ҳар хил тўсиқлар натижасида қийинчиликка дуч келган шахс”**³ сифатида таъриф берилган.

Ногиронлик тушунчасининг умум қабул қилинган таърифи мавжуд эмас, йиллар давомида **«ногиронлик таърифини»** ривожлантириш бўйича бир неча бор уринишлар бўлган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўзининг **“Фаолият, ногиронлик ва соғлиқнинг**

ҳалқаро таснифида” ногиронлик-бу шахснинг ўзига хос хусусияти эмас, балки уларнинг кўпчилиги ижтимоий муҳит томонидан яратилган мураккаб шарт-шароитлар тўплами эканлигини ва **“тиббий” ёки “биологик”** касаллик деб ҳисобламаслигини таъкидлайди⁴.

Шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти иккита асосий тушунчани фарқлайди: **«Бузулиш»** - ақлий, физиологик ёки тана тузилиши функтсиясининг ҳар қандай йўқолиши ёки ғайритабiiй ишлаши, масалан, фалаж ёки кўрлик. **«Ногиронлик»** эса фаолиятни шу тарзда ёки инсон учун нормал деб ҳисобланган доирада амалга ошириш қобилиятининг ҳар қандай чеклови ёки йўқлиги (бузилиш билан боғлиқ)⁵. Сўнгги пайтларда халқаро ташкилотлар, ногиронлик бир томондан инсон саломатлиги ва бошқа шахсий омиллар (масалан, ёш, жинс, шахс ёки таълим даражаси) ва бошқа томондан, одамлар жойлашган ижтимоий ва жисмоний муҳит ўртасидаги динамик муносабатларнинг натижаси эканлигини таъкидлаб келмоқда. Ушбу ёндашув **«ногиронликнинг ижтимоий модели»** деб ҳам аталади.

Ногиронлик - бу одамнинг мулки эмас, балки жамиятда юзага келадиган тўсиқлардир. Бу тўсиқларнинг сабаблари ҳақида турли хил қарашлар мавжуд, улардан иккитаси кенг тарқалган. Одатда ногиронликнинг иккита асосий контсептуал модели мавжуд бўлиб, булар **тиббий** ва **ижтимоий** моделлар ҳисобланади.

² <https://medlife.uz/encyclopedia/n/nogironlik/>

³ UN General Assembly, Convention on the Rights of Persons with Disabilities: resolution / adopted by the General Assembly, 24 January 2007.

⁴ Международная классификация функционирования, ограничений жизнедеятельности и здоровья, 2002 г. (ВОЗ)

⁵

<https://www.un.org/esa/socdev/enable/dis50y10.htm>



Тиббий модел ногирон инсонларнинг имкониятларини камайтиришдаги қийинчилик сабабларини кўриб чиқади.

Ижтимоий модел, қийинчиликлар умумий фаолиятда, шу жумладан турли

чекловларга эга бўлган одамларда иштирок этишни назарда тутмайдиган жамият томонидан яратилганлигини кўрсатади⁶.

References:

1. <https://www.stat.uz> маълумотлари асосида муаллифлар томонидан таҳлил қилинди.
2. <https://medlife.uz/encyclopedia/n/nogironlik/>
3. UN General Assembly, Convention on the Rights of Persons with Disabilities: resolution / adopted by the General Assembly, 24 January 2007.
4. Международная классификация функционирования, ограничений жизнедеятельности и здоровья, 2002 г. (ВОЗ)
5. <https://www.un.org/esa/socdev/enable/dis50y10.htm>
6. Холопенко Н. А. Социально. Психологические проблемы детей-инвалидов различные подходы к пониманию инвалида Архивная копия от 10 января 2006 на Wayback Machine

⁶Холопенко Н. А. Социально. Психологические проблемы детей-инвалидов различные подходы

к пониманию инвалида Архивная копия от 10 января 2006 на Wayback Machine.